



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

Majburiy
beriladigan

• 2010-yil • 7-oktabr • Payshanba • 117 (31.237) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Муносабат

Меҳр ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси

Яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида Президентимиз бутун дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборини яна бир бор Орол муаммосига қаратган эди. Айниқса, биз қорақалпоғистонликлар Президентимиз нутқини ҳаяжон ва мамнуният билан тингладик, бу эътибор ва ғамхўрликларни юрак-юрагимиздан ҳис этдик.

Юртбошимизнинг Орол муаммоси — ушбу минтақада яшайдиган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир, деган сўзлари мазмун-моҳиятини, ўйлаймизки, соғлом фикрли, ҳолис кишилар чуқур англаб етди.

Кунчи кеча давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонда бўлиши, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиши, фермерлар, ёшлар вакиллари билан учрашувларда айтган гаплари, билдирган фикрлари қорақалпоқ элининг кўнгиллини тоғдек кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини оширди.

Ташриф давомида қорақалпоқ халқи Президентимизнинг меҳри, оталарча ғамхўрлигини чин дилдан сезиб турди. Орол муаммоси, сув муаммоси ҳақида айтилган гаплар қорақалпоқ эли, фарзандларининг тақдирини, келажаги учун чин дилдан қайғуришнинг ифодасидир.

Бутун Қорақалпоғистонда бўлган киши давлатимиз раҳбарининг бевоқиф ташаббуси ва йўл-йўриқлари билан халқ турмушининг тобора фаровонлашганлиги, ҳатто узоқ қишлоқлар кифоси ҳам тубдан ўзгариб, шаҳар билан тенглашганлиги, баркамол авлод орзуси йўлида қилинаётган бекиёс ишларни ҳар қадамда кўриши мумкин. Биргина тиббиёт соҳасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалик муҳофазаси бўйича амалга оширилаёт-

ган ишлар, айниқса, скрининг-диагностика маркази хизмати-нинг йўлга қўйилиши бунинг яққол тасдиғидир.

Президентимиз бу борада яна нима иш қилиш, қандай ёрдам керак бўлса кўрсата-миз, Қорақалпоғистонни, она-ларни, болаларни, оилаларни асраш керак, деганда халқимизнинг келажаги, бахтини ўйлаётганини қалбдан яна бир марта ҳис этдик. Юртимиз, фарзандларимиз келажаги учун ўзимиз маҳкам туриб, бир тан, бир жон бўлиб кураши-шимиз лозимлиги ҳам айтилди. Биз бу давлатдан тўғри хулоса чиқариб, астойдил меҳнат қилишимиз лозим бўлади.

— Мен ҳаётим давомида кўп давлат раҳбарларини кўрдим. Лекин мустақиллик йилларида Президентимизнинг қорақалпоқ халқига кўрсатаётган чекис эътибори, меҳри, ғамхўр-ликлари ўзгача, — дейди Амур-дарё туманида яшовчи меҳнат фойдаловчи Ибдуллоҳ Файзуллаев. — Юртбошимизнинг Қорақалпоғистонга бу ташрифи, билдирган фикрлари, тақлифлари халқимизнинг қадим маъна-вияти, маданияти ва санъати-ни янада юксалтиради, юр-тимизнинг яхши кунларига ҳиз-мат қилади, деб ўйлайман. Элимизнинг шундай раҳбари бор экан, Қорақалпоқ замини ҳали бундан-да зўр бўлади, гул-лаб-яшнайдиган, келажаги буюк бўлади.

Йўлдош отанинг бу сўзлари ҳар бир қорақалпоғистонлик-нинг кўнгилдаги сўзлардир.
Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўртори Кенгеси депутати.

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот маркази-да Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш тажрибаси» мавзусида семинар таш-кил этилди. Унда асосий эътибор Президент Ислам Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлан-ган ялпи мажлисида илгари сурган масалалар-ни ҳар томонлама чуқур ўрганишга қаратилди.



Владимир ГОЧАРЕНКО олган суратлар.

Эзгу мақсадлар

уларни тўлиқ амалга оширишда партия ташкилотлари, депутатлар фаол бўлиши лозим

Сиёсий ва фуқаролик маъ-рифати тизимида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик пала-тасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент вилоят ва шаҳар, ту-ман партия кенгашлари раҳ-

барлари, халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашлари депутат-лари, маҳалла фаоллари ва олимлар иштирок этишди. Маълумки, мамлакатимиз-да амалга оширилаётган куч-ли ижтимоий сиёсат тажри-баси ҳорижий давлатлар ар-

боблари, мутахассислар то-монидан эътироф этилмоқда. Юртимизда ижтимоий исло-хотларни чуқурлаштиришда ЎЗХДПнинг ўрни ва иштиро-кини янада ошириш масала-си фаолларнинг диққат мар-казида бўлди.

Шунингдек, Президенти-миз мазкур саммитда бил-дирган фикр-мулоҳаза ва тақлифларни жойларда кенг тарғиб қилиш партия ташки-лотлари ва депутатларнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Семинарда кун тартиби-даги масала юзасидан маъ-рузалар тингланди, фикр алмашилди. Улар асоси-да партия фаолларининг муҳим вазифалари белги-лаб олинди.

Асли КАМОЛ



5 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрган Президенти Ислам Каримов Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида ҳам бўлиб қорақалпоғистонлик ёшлар билан учрашди.

XXI аср информацион технологиялар асри

буни англаб етган қорақалпоқ ёшлари ўз салоҳияти, билими билан дунёга чиққанда, бошқалардан кам эмаслигини исботлашга ҳаракат қилмоқда

Мазкур илм даргоҳи Президентимизнинг 2005 йил 2 июндаги ахборот технология-лар соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими-ни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ташкил қилинган эди. 2009 йил сентябрь ойида университет-нинг янги ўқув биноси фойдаланишга топ-ширилди. Бу ерда талабалар 4 та йўна-лиш бўйича замонавий таълим стандарт-лари асосида илм-фан сирларини ўрган-моқда. Бугунги кунда университетда 430 нафар ёш таълим-тарбия олмақда, улар-га 48 нафар профессор-ўқитувчи дарс бе-ради. Шундан 2 нафари фан доктори, 15 нафари эса фан номзодларидир.

Бекбўсин ҚОЛМУРОВОВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети Нукус филиали 2-курс
талабаси:

— Юртбошимиз келажақда ким бўлмоқ-чилигини ва домларим билан қизиқди. Мен программист-дастурчи бўлмоқчи эканлигимни, ҳозир физика-математика фанлари номзоди, доцент Шойахмед Бурхонов ва ассистент Меҳрибон Пир-назарова илмий раҳбарлигида «Қ-ЛИНГ» номи дастур устида иш олиб бораёт-ганлигимни айтдим.

Бу дастур инглиз тилини ўқитувчи ёрда-мисиз мустақил ўрганувчилар учун мўлжалланган. Унда луғат ҳам бўлиб, инг-

лиз тилидан қорақалпоқ тилига, қорақал-поқ тилидан инглиз тилига таржима қила-ди. Ҳозир уни такомиллаштириш устида иш олиб бораётган. Мазкур дастур 2011 йилнинг январь ойида тайёр бўлади.

Ниятбой УТЕУЛИЕВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети Нукус филиали раҳба-ри, физика-математика фанлари до-ктори, профессор:

— Президентимизнинг «Фарзандлари-миз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган буюк орзуларини ижобати бўлиб, бугун университетимизда ўнлаб истеъдодли ёшлар тарбияланимоқда. Улар-ни билим олиши учун барча шарт-шар-оитлар яратилган, университетимиз юқори тезликдаги интернет тизими-га уланган, электрон доскалар ҳамда про-екторлар билан тўлиқ таъминланган. Шун-ингдек, мавжуд турта компьютер хона-си илгари чанқок ёшлар ихтиёрида.

Президентимизнинг талабаларимиз билан бўлиб ўтган суҳбати уларнинг ҳаётидаги унутилмас воқеа бўлиб қо-лишига ва ёшларимизнинг янги-янги интилишларга, изланишларга илҳомлан-тиришига ишонаман.

Темир АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги энг ну-фузли халқаро жамият, унинг мажлислари мўътабар анжу-ман бўлса, минбари ер юзидаги халқлар тақдирини билан боғлиқ энг долзарб, энг муҳим фикр-мулоҳазалар, салмоқли тақлифлар баён қилинадиган олий минбардир.

Бошқача қилиб айтганда, Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти ўз мақомига кўра барча халқлар, эл-лар-элатларнинг одил ҳимоячиси, мажлисларида қўриладиган маса-лалар, қабул қилинган қарорлар эса бунинг амалда намоён бўли-шидир.

Халқимизда «Сўзнинг сўздан фарқи бор, ўттиз икки нархи бор», деган нақл юради. Гап шундаки, БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлмиш 190 га яқин давлат раҳбарлари

ва вакиллари бу юксак минбарга кўтарилиб, ўз сўзларини айтиш ваколатига эга. Бу ваколатдан ай-рим давлат арбоблари жаҳон ҳам-жамиятига муайян масала бора-сидаги ўз мамлакати ва тараф-дорларининг позициясини ўтка-зиш мақсадида фойдаланса, баъ-зи бирлари мамлакати номидан кўриниш бериб қўйиш, яна бошқ-алари кудратли эллардан моддий-молиявий қўмақ ўтиниши йўлида фойдаланадилар.

Фақат ўз мамлакати тақдирини жаҳон тақдирини билан бир бутун деб билган, инсоният эришяёт-ган ютуқларда ўз халқининг исти-қболлини, дунёнинг турли бур-чида рўй бераётган қуроли мо-жарилар, экологик фожияларда ўз юртининг келажагига таҳдидни илган, яъни умумбашарий му-аммоларга одилона ва оқилона ёндашиб, уларнинг ечимини ҳам миллий, ҳам дунёвий манфаатлар бирлигида кўра олган, шунга яра-ша салмоқли мулоҳаза ва тақлиф-лар билдирган давлат раҳбарла-ри фикри нафақат БМТ мажлиси қатнашчилари, балки кенг жамо-атчилик ўртасида ҳам хажонли акс-садо беради.

➔

Ёшлар ўртасида гиёҳвандликка барҳам бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи бугунги кунда инсоният олдиди турган энг жиддий трансмиллий таҳдидлардан биридир. Ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш жаҳон ҳамжамияти томонидан изчил равишда ва ўзаро келишган ҳолда иш олиб боришни, наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчилик-ка қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлики чуқурлаштиришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташки-лотининг «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомала-га киритишга қарши кураш тўғрисида»ги Кон-венциясини ижро этишга доимий эътибор бе-риб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масала-лари қўмитаси билан халқ депутатлари Сур-хондарё вилоят Кенгашининг шу йил 5 октяб-рда Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мажлиси ана шу масалага бағишланди.

2-бет

Партия аъзолари жипслиги	➔2
Темир йўл устаси	➔3
Тошкент — жаҳон чемпиони мезбони	➔4

Ўзбекистонга тўрт йил аввал келгандим. Ўтган даврда юртининг, хусусан, Тошкент таниб бўлма-с даражада ўзгариб кетибди. Кўпоб тарихий обид ва қадимжолар таъмир-ланибди. Амир Темир хиёбонида амалга оши-рилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, ҳайратим ошди. Кўпоб замонавий иншоотлар, жумладан, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи қад ростлабди. Бу гўзал бинонинг маҳобати ҳар қандай кишида унутилмас таассурот қолдириши аниқ. Ўзбекистонга бир неча йил келмаган киши бу ердаги ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушиши тайин.

Ниша ГУПТА хоним
(Ҳиндистон)

ОБ-ҲАВО	07-08.10. 2010	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 27°C	☀ 24°C	
Самарқанд	☀ 25°C	☀ 23°C	
Нукус	☀ 24°C	☀ 23°C	
Қарши	☀ 28°C	☀ 27°C	
Урганч	☀ 24°C	☀ 23°C	
Навоий	☀ 25°C	☀ 23°C	
Фарғона	☀ 24°C	☀ 22°C	
Бухоро	☀ 25°C	☀ 23°C	
Анджон	☀ 24°C	☀ 22°C	
Наманган	☀ 24°C	☀ 22°C	
Термиз	☀ 28°C	☀ 27°C	
Жиззах	☀ 25°C	☀ 23°C	
Гулистон	☀ 25°C	☀ 23°C	
Тошкент вил.	☀ 25°C	☀ 23°C	
Лондон	☀ 13°C	☀ 14°C	
Париж	☀ 13°C	☀ 16°C	
Москва	☀ 7°C	☀ 9°C	
Мадрид	☀ 15°C	☀ 16°C	
Пекин	☀ 15°C	☀ 14°C	
Гонгконг	☀ 23°C	☀ 22°C	
Рим	☀ 14°C	☀ 13°C	
Анкара	☀ 10°C	☀ 8°C	
Токио	☀ 17°C	☀ 16°C	
Стокгольм	☀ 9°C	☀ 8°C	
Кейптаун	☀ 14°C	☀ 13°C	
Қоҳира	☀ 16°C	☀ 15°C	
Гавана	☀ 24°C	☀ 29°C	
Вашингтон	☀ 11°C	☀ 11°C	

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ҲОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1571,69	1 Миср фунти	284,95	1 СДР	2527,70	10 Жанубий Корея вони	14,43
1 Англия фунт стерлинги	2562,84	1 Канада доллари	1592,18	1 Туркия лираси	1127,08	10 Япония йенаси	194,12
1 БАА дирҳами	441,53	1 Ҳитой юани	242,42	1 Швейцария франки	1659,65	1 Россия рубли	53,15
1 АҚШ доллари	1621,64	1 Малайзия ринггити	525,74	1 Евро	2194,69	1 Украина гривнаси	205,01

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази билан биргаликда ташкил этилди. Унда Сурхондарё вилоят халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёхванд воситалар ва психотроп моддаларни фэйриконуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини (Вена, 1988 йил 19 декабрь) ижро этиш, ёшлар ўртасида гиёхвандликка барҳам бериш борасидаги ишнинг ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлис асосида сенаторлар ва депутатлар қайд этганларидек, мамлакатимизда ва жумладан Сурхондарё вилоятида мазкур халқаро Конвенцияни имплементация қилиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди, бу эса наркотик моддаларнинг фэйриконуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ўсишига тўсқинлик қилиш, мана шу балони келтириб чиқарадиган омилларга барҳам беришининг таъсирчан воситаларини яратиб имконини берди. Мустақиллик йилларида наркотик моддаларнинг фэйриконуний муомаласига қарши курашиш соҳасида кенг қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, бу соҳада давлат стратегиясини амалга ошириш учун зарур ташкилий инфратузилма яратилди. Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятлари бажариш мақсадида 1999 йилда «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тўзилди. Наркотик моддаларнинг фэйриконуний муомаласига қарши курашни мувофиқлаштириш учун наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича минтақавий комиссиялар тўзилди. Бу комиссиялар барча маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқароларнинг наркотик моддалар соҳасидаги жино-

ятчиликка қарши кураш борасидаги вазифаларини ҳал қилишга қаратилган куч ва имкониятларини йўналтириб ва мувофиқлаштириб бориши керак.

Наркотик моддаларнинг фэйриконуний муомаласига қарши кураш самарадорлигини оширишда кўп ҳаётдан давлат органларининг идораларро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама халқаро ҳамкорликни фаол ривожлантириш ёрдам берди. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни ушбу трансмилий таҳдидга қарши ғоят фаол ва изчил курашиб келаётган мамлакатлардан бири деб ҳисобламоқда.

Сенаторлар наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш доимий эътибор талаб қилишини, бу курашга жалб этилган барча тузилмаларнинг куч-ғайратларини сафарбар этишни, жамоатчиликни фаол жалб қилишни тақозо этаётганини таъкидладилар. Ушбу фаолият соҳаси доимо халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва уларнинг доимий комиссиялари диққат марказида турмоғи зарур. Маҳаллаларда, айниқса ёшлар, умумтаълим мактабларининг, академик лицейларнинг ва касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, олий ўқув юрларининг талабалари ўртасида гиёхвандлик тарқалишининг олдини олиш бўйича кенг маърифий-тарбиявий ишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу йўналишда биргаликда олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада тақомиллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама якунлари бўйича қўшма қарор қабул қилиниб, унда бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар ва тузилмалар учун аниқ таъсиялар белгилаб берилди.

Мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши тегишли доимий комиссияларининг раислари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

ЎЗХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Шайхонтоҳур туманида 2833 нафар ЎЗХДП аъзоси бор. Улар 140 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Туман партия кенгаши куйи бўғин партиянинг асосий таянчи эканини ҳисобга олиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларнинг ҳар бири туман кенгаши билан мустаҳкам алоқада.

Партия аъзолари жипслиги

қуйи бўғин мустаҳкамлигини таъминлайди

— Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бошланғич ташкилотларга суянамиз, — дейди туман партия кенгаши раиси Рустан Раҳимов. — Бунинг учун уларнинг мустаҳкамлиги эришиш лозим. Бошланғич ташкилот раиси фаол, ташаббускор, жонқуяр бўлса, обрў-эътибор топади, ўз ордидан кишиларни эргаштиради. Партия аъзолари ҳам етакчини қўллаб-қувватлаши, ҳар бир ишда ёнма-ён туриши жуда муҳим. Шунда куйи бўғин катта кучга айланади. Худудимизда турли корхона ва идоралардан ташқари 19 та тиббиёт муассасасида партияимиз қуйи ташкилоти фаолият юритади. Улар партиянинг ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада, айниқса, 44-оилавий поликлиникадаги партия ташкилоти эътиборга лойиқ. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматуллаева бошчилигидаги мазкур тиббиёт муассасасида хизматчи-ҳодимлар партия илгари сураётган ғояларни аҳоли орасида тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатапти.

Поликлиникада бўлиб, у ердаги партия аъзоларининг

иш фаолияти, ташаббус ва тадбирлари билан танишар эканмиз, туман кенгаши раисининг сўзлари айни ҳақиқат эканлиги ғувоҳ бўлди.

— Ҳодимларимизнинг кўпчилиги ЎЗХДПнинг хайрихоҳ ва тарафдорлари, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси, педиатрия бўлими мудири Раъно Азизова. — 210 нафар ҳодимнинг 164 нафари шу партия аъзоси. Улардан 56 нафари врач, 109 нафари ҳамшира, қолганлари бошқа ишчи-ҳодимлар. Улар билан ҳафтада бир марта йиғилиш ўтказамиз. Унда партия дастурий вазифаларига оид бажарилган ишларни сарҳисоб қиламиз, келгуси режаларни белгилаб оламиз. Тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам партия аъзоларининг асосий эътиборида. Улар ўзларининг амалий ишлари билан аҳоли орасида ХДПга ишонч уйғотмоқда. Натижада жамоада ҳам, биз хизмат кўрсатадиган худудда ҳам ЎЗХДП ғояларига хайрихоҳлар санои кенгаймоқда.

Бизнинг бўлим худуддаги 14 ёшгача бўлган 12225 нафар болага тиббий хизмат кўрсатади. 98 нафар ногирон боланинг уйига бориб, тиббий куридан ўтказамиз. Улар ҳар йили 4 марта невропатолог, лор, окулист, эндокринолог, хирург, ортопед,

қаратилган, — дейди терапия бўлими мудири Элмира Мирвафоева. — Биз ҳам бу масалага масъулият билан қараймиз. Худудимизда туғиш ёшидаги аёллар сони 9269 нафарни ташкил этади. Улар мунтазам тиббий куридан ўтказиб турилади. Аёлларда учрайдиган экстрагенитал касалликларни ўз вақтида аниқлаш, туғишга мутлақ ва нисбий монелик бўлган аёллар саломатлигини тиклаш ишлари самарали амалга оширилади.

Тиббий маданият тарғиботида партияимиз бошланғич ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Партияимиз фаоллари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли тадбирлар ва учрашувлар уюштиряпти. Тугма ногиронлик ва ирсий касалликларнинг олдини олиш учун яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмушга чиқиш оқибатлари, қизларнинг бу жараёнга жисмонан тайёрлиги масалаларида тушунириш ишлари олиб борамиз. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ўтказиладиган

бундай тадбирларда ЎЗХДП туман кенгаши фаоллари ҳам мунтазам иштирок этиб келади. Бошланғич ташкилотимиз ташаббусларини туман партия кенгаши доимо қўллаб-қувватлайди, рағбатлантиради. Бу эса унинг сафидаги ҳар бир инсонни янада фаолликка ундайди.

Муқаддас Раҳматуллаева бошчилигидаги бу жамоа ҳақиқатдан ҳам аҳил, уларга ҳавас қилса арзийди. Ҳодимлар ширинсув, хушмуомала. Бу эса беғор учун энг

кент шаҳар Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси. Депутатнинг айтишича, шу вақтга қадар турли масалалар юзасидан 20 дан ортиқ ёзма, 15 дан ортиқ оғзаки муурожаат бўлган. Уларнинг аксарияти депутатлик ваколати орқали ижобий ҳал этилган. Депутат бу билан кифояланмасдан ўзига бўлган барча муурожаатларни умумлаштириб, тегишли масалаларни депутатлик гуруҳи доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқмоқда.

Эл орасида обрў топиш, ҳурмат ва ишончга эришиш осон эмас. Бу эътиборни сақлаб қолиш эса ундан-да мушкул. Масъулиятни ҳис қилган ва урдалай билган мана шундай инсонлар партиянинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Гулрух ОДАШОВА, «Ўзбекистон ОВОЗИ» мухбири.



Эндрюлла НОРМУРДОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи мазмун-моҳияти, кўтарилган муаммоларнинг қўламини ва уларнинг ечимига оид ғояларнинг салмоғи ва долзарблигига қўра жаҳон сиёсатчиларининг эътиборига моллик ҳужжатга айланганига ҳар биримиз ғувоҳ бўлиб турибмиз. Дунёнинг таниқли сиёсатчилари, давлат ва жамоат арбоблари давлатимиз раҳбарининг нутқида аниқ тақлифлар, ҳаётий фикр-мулоҳазалар илгари сурилганини, улар татбиқ этилса, нафақат минтақада, балки жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишини билитифоқ эътироф этишмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Мазлумки, 30 йилдан буён давом этаётган уруш ҳаракатлари Афғонистондек тарихи теран бир диёрни вайронага, халқини қаш-

фи шунинг учун ҳам дунё сиёсатчиларининг эътиборини ўзига тортиди. Мазлумки, Ўзбекистон 2008 йили БМТ шаъфелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу ташаббуснинг мазмун-моҳияти аниқ ва содда: афғон халқи бу жафокаш заминда урушнинг тугаши ва барқарорлик ўрнатилишдан манфаатдор мамлакатлар кўмағида ўз муаммоларини ўзи ҳал этсин.

Юртбошимизнинг фикрига қўра, АҚШ, НАТО, Россия ҳамда бевосита қўшни мамлакатлардан иборат 6+3 мулоқот гуруҳи тузилса, унинг «энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини тақлиф этиш, мамлакатни паро-



Европа мамлакатлари халқаро терроризмнинг асосий нишонига айланганига кўп йиллар бўлди. Агар Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, юқоридаги давлатлар ҳам, қолверса, бошқа эллар ҳам халқаро терроризм, диний экстремизм хуружидан, уларнинг моддий асоси бўлиши кулол-яроғ ва наркотик савдоси туфайли юзага келаётган хавф-хатарлардан бирмунча халос бўлади.

Юртбошимиз фақат афғон масаласи билан чекланиб қолмасдан, 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда юз берган қонли воқеаларга ҳам саммит қатнашчилари диққат-эътиборини қаратди. 11-14 июнь кунлари бу мамлакат жанубида содир этилган талон-торождар, ҳунрезлик ва зўравонликларнинг сабаби ва оқибатларига тўхталиб, қирғизлар ҳамда бу худудда яшаётган кам сонли ўзбеклар учинчи кўчлар томонидан пўхта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланганини таъкидлади, мазкур қонли фожиадан қўзда тутилган мақсад — икки қўшни мамлакат — Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро қарам-қаршилик келтириб чиқариш, уларни олов ичига тортиш эканини очиб берди.

«Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда, — деди давлатимиз раҳбари, — қабиҳ ният билан

ташқил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммага айланади. Ўз худудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди».

Қирғизистонда рўй берган ва Марказий Осиёдаги давлатларнинг тинчлигига раҳна солган бу ғаламисликнинг қайта такрорланишига йўл қўймаслик учун мустақил халқаро текширув ўтказиш, қонли ваҳшиликнинг буорт-мачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш борасида БМТ ҳар томонлама ёрдам берса, кўтилган натижага эришиш мумкин. Бунинг юртбошимиз алоҳида таъкидлади. Бу — минтақавий хавфсизлик учун Ўзбекистон раҳбарияти нечоғли жиҳдий жон куйдираётганини ўзида намоён этади.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атраф-муҳитни асраб-авайлаш мингйилликда инсоният олдида турган долзарб ва муттақил эътибор талаб қиладиган вазифадир. Мазлумки, сўнгги қирқ йил давомида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, ҳайвонот ва нобот олами бу-

тунлай йўқолиш арафасида. Бугун нафақат бу худудда, балки дунё миқёсида оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган мураккаб иқтисодий-ижтимоий ва демографик муаммолар юзага келди. Мазкур экологик фожианинг атраф-муҳитга, энг муҳими, шу заминда истроқат қилаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайитириш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Мана шундай вазиятда қўшни давлатлардаги айрим кучлар тоғ дарёларини бўғиш, улкан гидроиншоотлар ва электр станциялари куриш ҳаракатида.

Оқибати қандай ҳалокатларга олиб келиши аён бўлган бу таваккалчиликнинг олдини олишда халқаро ҳамжамиятнинг таъсири ва кўмағи ҳар қачонгидан муҳим бўлиб турибди. Бу Ўзбекистон Президентининг нутқида куйидаги таразда ўз ифодасини топди: «Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи худуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик муозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, Афғонистон муаммосини ҳамжиҳатликда тинч йўл билан ҳал этиш, Қирғизистонда юз берган фожиаларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, Оролбўйи минтақасининг экологик муҳофазасини таъминлашга оид аниқ амалий тақлифларни айтиш учун нотийқ доншимандлиги кифоя қилмайди, албатта. Бунинг учун маънавий ҳаққи ҳам бўлиши лозим.

Бошқача қилиб айтганда, сўзи билан иши бир давлат раҳбариятига ўз фикрига ўзгаларни ишонтириб қолмасдан, ўз тақлифи амалга оширилишига эришиши мумкин.

Ўзбекистон Президентини эна шундай маънавий ҳуқуққа эга ҳалқ етакчиларидан биридир. Чунки салкам йигирма йил олдин миллий мустақиллигини қўлга киритган ўзбек халқи унинг раҳнамолигида янги тузум, эркин жамият барпо этиш

йўлида қўллаб-қувватлашнинг энг ибтидоий вақтида ўз ўрни ва нуфузига эга, барқарор иқтисодий тараққиёт йўлидан бораётган, хатто бутун дунёни ларзага солган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам юқори ўсиш суръатларига эришаётган мамлакат барпо этаётди.

Агар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларацияси давлатларро, миллатларро ва динларро зиддиятларни бартаф этиш, қашшоқлик ва очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши курашни ўзида акс эттирган бўлса, юртимизда бу муаммолар деярли бартаф этилган. Жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар билан ўзаро тенглик асосида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Миллатлар ва динларро тенглик ва ҳамжиҳатлик қонун йўли билан ҳам, амалда ҳам таъминланган.

Аҳолининг барча қатламлари очлик ва қашшоқлик балосидан холи, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан ислох қилиниши ўта юқумли касалликларга барҳам бериб, уларнинг кескин камайишига замин яратди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш даражаси 83,5 фоизга етди. Натижада оналар ўлими даражаси 2 бараварга, болалар ўлими даражаси 3 бараварга камайди. Сўнгги йигирма йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриш вақти 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшга етди.

Мустақиллиқнинг дастлабки йилларида қабул қилинган «Ўзбек модели» самараси ўлароқ, ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 бараварга ўсди. Ўртача иш ҳақи 14 бараварга ошди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Кун сайин юксалаётган мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, кўндалма-кўндал ривожланишнинг натижаси, кўндалма-кўндал яшайётган қўндалма-кўндал халқимизнинг қайфияти, оруз ва интилишлари ўз етакчисига дунёнинг ҳар қандай минбаридан туриб эли ва дунё аҳли тақдирига оид салмоқли тақлифларни билдириш ҳуқуқини беради. Бугунги Ўзбекистон эзгу ишлари борасида иборат кўрсатишга қодир давлатлардан бирига айланади.

Бахтиёр РИЗО

Қамашидаги бунёдкорликлар

туфайли ёшлар иш билан таъминланмоқда

■ Кейинги йилларда мамлакатимизнинг энг чека туман, қишлоқларида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида барпо этилаётган янги уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар, таълим даргоҳлари ҳамда савдо хизмат кўрсатиш шохобчалари бунга мисол бўла олади.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан туманнинг Окгузар маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда замонавий услубда ва барча қўлайликларга эга 20 та уй қурилиб, ёш оилаларга топширилган эди. Жорий йилда «Қишлоқ қурилиш банк»и томонидан яна 10 та уй қурилишига кредит ажратилиб, бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб берилмоқда.


Шунингдек, Бадахшон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 80-умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, Қамай қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги 32-умумтаълим мактабида ҳам спорт зали бунёд этилди.

Туман иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим воситалардан бири бу — деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида аҳолига етказиш ҳисобланади. Бу борада ҳам сўнгги йилларда бир

қанча кичик корхоналар бунёд этилди. «MIKRON-M» масъулияти чекланган жамият ана шундай корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳозир 400 граммдан тортиб, 35 килограммгача миқдорда 59 турдаги қадокланган макарон ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам харидорлири бўлиб бормоқда. Айни пайтда бу жамиятда 60 нафарга яқин ёшлар доимий иш билан таъминланган.

— Туманимизда бу каби корхоналарнинг тўла қувват билан ишлаётганлиги ҳамда янгилари бунёд этилиб фойдаланишга топширилаётгани касб-хунар коллежларини тугатган ёшларимизни иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Акбар Каримов. — Тўғриси айтсак, қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Янги иш жойлари яратиш борасида катта имкониятларга эгамиз. Фақат улардан оқилона фойдаланишимиз керак.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ



Суратда: «MIKRON — M» корхонаси фаолиятдан лавҳа.

Қишлоқдаги корхона

Бухоро вилояти Вобkent тумани «Харғуш» ҚФЙ ҳудудда янги ташкил қилинган «Бухоро-Баҳор» қўшма корхонасининг филиали Хитой инвестицияси асосида барпо этилган бўлиб, унда ҳўжалик ашёларидан кир ювиш содоси ишлаб чиқарилмоқда. Ишга туширилганига бир ойдан ошган бу корхонада айни пайтда 51 нафар киши меҳнат қилапти.

Моҳигул НАЗАРОВА

Замонавий мебеллар

Похтаобод шаҳрида «Комил нури сурури» корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада қирққа яқин турдаги замонавий андозаларда мебеллар тайёрланмоқда. — «Микрокредитбоннодан олинган кредит ишимизга мадда берди, — дейди корхона раҳбари Нозимжон Жўраев. — 12 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Темир йўл устаси

— Ҳаётда меҳнатсиз, машаққатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, — дейди «Шўхрат» медали соҳиби, ЎзХДП аъзоси, жиззахлик Зоир Зокиров



Катта қизиқиш



Ўзбекистон ва жаҳон

■ Япония ҳукумати кўмагида JATA сайёҳлик агентликлари япон ассоциацияси томонидан Токиода ўтказилган халқаро сайёҳлик кўргазма-ярмаркасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг иштироки катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизнинг бой сайёҳлик имкониятлари билан таништирувчи миллий авиакомпаниянинг тенди олимпиада ташриф буюрувчилар узоқ вақт туриб қолдилар. Буюк ипак йўли ўтган бу заминдаги кўпгаб ёдгорликлар улар эътиборини тортиди. Мамлакатимизда бўлган япон сайёҳлари эса оила аъзоларини, дўстлари ва танишларини бу ерга олиб келиб, Ўзбекистонга сафарни қандай ташкил этиш бўйича зарур ахборот олишларига кўмаклашдилар.

Айтиш керакки, JATA WTF ўзининг йигирма йиллик тарихида Берлиндаги ITB, Лондондаги WTM ва Хитойдаги CITM каби машҳур халқаро сайёҳлик кўргазмалари қаторидан ўрин олган. Шу боис бу йилги ярмаркада жаҳоннинг 90 дан ортқ мамлакатидан миллий ва минтақавий сайёҳлик ташкилотлари, тур операторлар, меҳмонхоналар, сугурта компаниялари, авиакомпаниялар қатнашди.

Алишер РЎЗИЕВ



Суратда: темир йўл устаси Зоир Зокиров.

Донотул Жўраева олган сурат.

Замондошларимиз

■ Зоир темирйўлчилар оиласида ўсиб-ўлғайди. Отаси вафот этгач, онаси Нурия опа бир этак бола билан ёлғиз қолди. Меҳнатсевар, оилам, рўзғорим дейдиган аёллардан эмасми, фарзандларини ҳеч нарсага зорқитирмай катта қилиш учун ўзини ўтга, чўққа урди, елди-юғурди. Бу орада бўйи хиёл чўзилиб қолган Зоир онасининг ёнига кирди, укаларини, сингилларини тарбиялашда волидасига баҳоли қудрат кўмаклашадиган бўлди.

1979 йилга келиб ўрта мактабни тамомлаган ўсмир ҳеч иқиланмасдан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўли компаниясининг Самарқанд темир йўл масофаси бўлинмасига йўл сазовчи шогирд бўлиб ишга жойлашди. Зоирнинг темир йўл тизимидаги иш фаолияти шу тариха бошланган эди.

— Дастлаб жуда қийин бўлган, — деб эслайди ҳаётдаги ўша кунларни у. — Қўлимдан ҳеч иш келмаган пайтларда пўлат изларга ўтириб олиб, укувсизлигим, ношуддигимдан кўз ёш тўққан кезларим худди кечагидай ёдимда. Ҳартуғул, дунё яхшилар билан бутун экан. Улар менга яқиндан кўмак бердилар, мушкул дамларимда ёрдам қўларини чўздилар. Ана шундай олижаноб инсонлардан бири каминга темир йўл сазовчиси касбининг алифбосини

ўргатган биринчи устозим самарқандлик Раҳмон Уматовдан бир умр миннатдор бўлсам арзийди.

— Одатда, йўл сазовчилик касби темир йўлларда ҳаракатланаётган поездлар хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу касбини мукамал ўрганиш учун киши назарий билимларга эҳтиёж сезади. Шуни эътиборга олган Зоир устозининг тавсиясига кўра 1984 йилда Самарқанд шаҳридаги совиқ темирйўлчилар техникумига сирдан ўқишга кириб, уни муваффақиятли якуллайди. Бу пайтга келиб ёш мутаассис касбининг ўзига хос томонларини, сир синоптларини анча-мунча ўрганиб олган, жамоада озми-кўпми ҳурмат топа бошлаган эди.

— 1989 йилда Самарқанд ҳамда Жиззах темир йўл масофалари худудлари йўл ҳўжалиги раҳбарияти томонидан қайта белгиланиб, бизнинг йўл сазовчилар бригадаси Жиззах темир йўл масофаси ихтиёрига ўтказилди, — дейди Зоир Зокиров. — Шу йили менга яна катта ишон билдиришиб, механизациялашган йўл сазовчилар бригадасининг йўл устаси этиб тайинланди. Зиммамдаги масъулият янада ошди, жамоадошларим билмаганларини уста сифатида мендан сўрайдиган бўлишди. Ёш эмасманми, аввалига бунга сира кўйиколмадим, бора-бора ўрганиб кетдим.

Йўл устаси. Унинг иши осон, жўн эмас, албатта. Зеро, неча юз тонналаб юк ортилган ёки юзлаб йўловчилар жойлашган қатор-қатор вагонлар ҳаракатланадиган темир йўллар лишиқ-пукта, мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши шарт. Рельсининг бирон жойи шикастланса, дарҳол тузатиш, созлаш керак бўлади. Бу масалада кеча ёки кундуз, қор ёки

ёмғир, иссиқ ёхуд совуқ, деган гапларга ўрин йўқ. Хабар бўлди, зудлик билан воқеа жойига шошилиш керак. Бундай пайтда ҳар қандай пайсаллик мамлакат халқ ҳўжалигига, қолаверса, халқаро ҳаракатлар хавфсизлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

Зоир Зокировнинг темир йўллар билан боғлиқ йигирма беш йиллик меҳнат фаолиятига алоқадор ҳаракатли бир мисолни айтиб беришимиз. Ушанда қаҳратон қиш экан. Аёз юз-кўзларини аёвсиз чимчилар, қор бўронлари кўз очиргани кўймасди. Тунги соат улар чамаси, Жиззах — Ховос оралигидаги тезюрар поездлар қатнайидиган 3536-километрда темир йўл рельсининг дарз кетганлиги ҳақида хабар олинди. Зоир ака бошчилигидаги механизациялашган йўл сазовчилар бригадаси зудлик билан Жиззах шаҳридан воқеа жойига қараб йўлга чиқди. Совуқ забтига олган. Юриш қийин. Вақт зик, шошилиш зарур. Жадал бўйича яна икки соатдан сўнг 2536-километрдан тезюрар йўловчи поезднинг ўтиши қўтилаётганди. Бундай вазиятда бор имкониятни, бутун маҳоратни ишга солиш талаб этилади. Амалда ҳам шундай бўлди. Жуда қисқа муддат — бир соату ўн дақиқа ичида дарз кетган рельс алмаштирилди ва бор-йўғи ярим соатдан кейин бу ердан тезюрар поезд силиққина ўтиб кетди. Ҳаддан зиёд толиққан, совуқ қотган йўл сазовчилар тонг бўзара бошлаган пайтда Жиззахга қайтиб келдилар. Топширик альо даражада баҳарилган, ҳаракат хавфсизлиги таъминланган эди.

— Асп қурилиши деб ном олган «Тошгузар» — Бойсун — Қўмқўрғон» темир йўли қурилишида, «Навойи» — Учқудўк — Султон Увайдоғ — Нукус» темир йўл тармоғини барпо этишдек улуг ишларда катнашганидан хурсандман, — дейди Зоир Зокиров. — Мамлакат худудини бамисоли инсон танаасида қон томирлари каби қамраб олган темир йўлларда ҳаёт давом этади, қатнов туну кун тухтамайди. Мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибгача чўзилган пўлат излардан гулдурдо солганча поездлар ўтиб туради. Уларнинг манзиллардан манзилларга бехатар етиб олиши, темир йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун эса ўнлаб, юзлаб темир йўл усталари ўз постларида сергак ва доим тайёр туришибди. Бундай беҳаловат касб-кор соҳиблари орасида жиззахлик темир йўл устаси, бир ўғил ва уч қизининг меҳрибон отаси, ўнлаб шогирдларнинг севиқли устози Зоир Зокиров ҳам бор. Унинг ҳаётдаги шиори аниқ ва лўнда: «Меҳнатсиз, машаққатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди!»

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 19 йиллик айёми арафасида Жиззах бўйлаб хушхабар тарқалди. Мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Президентимиз Фармонига кўра Ватанимизнинг ордан ва медаллари билан тақдирланган бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида темир йўл устаси Зоир Зокиров ҳам бўлиб, «Шўхрат» медали билан мукофотланди. Фидокорона меҳнатнинг амалдаги эътирофи бу!

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Qishloq Qurilish Bank

Хурматли юртдошлар!

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартларида қишлоқ аҳолиси учун замонавий, шинам 3,4 ва 5 хонали уй-жойлар қурилиш давлат Дастури амалга оширилмоқда.

Ушбу уй-жойларга эгаллик қилиш истагини билдирган қишлоқ фуқаролари Очқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк»нинг узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланишлари мумкин.

Кредитнинг асосий шартлари: — танланган уй-жой қўйиматининг 25% дан кам бўлмаган миқдорда дастлабки бадал суммаси жамланганлиги; — кредит 15 йил муддатга; — минимал иш ҳақининг 1000 баробар миқдоригача; — йиллик 7% устама тўлиниши шартлари асосида берилади. Уй-жой эгаларига қўйимат қўшимча имтиёзлар белгиланган: — кредит қайтарилиши бўйича 6 ойлик импёзели давр берилади; — кредитни сўндиршга йўналтирилган иш ҳақи даромад солиғидан озод қилинади; — ер участкаси умрбод мерос қилиб бепул берилади. Янги намунавий лойиҳалар билан қишлоқ фуқаролари: — туман ҳокимлигида; — туман архитектура-иқтисодиёт бўлимида; — «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларида; — «Қишлоқ қурилиш инвест» иқтисодлаштирилган шўъба инжиниринг компанияси филиалларида танишишлари мумкин.

Қўшимча маълумотларни банкнинг қўйиматини инфратузилмаларидан олиш мумкин:

Очқ акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк» 100106, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз қўчаси, 36-уй. Тел: (371) 236-16-17; 233-71-72

Филиалнинг номи	Телефон рақами	Манзили
1. Қоракалпоғистон минтақавий филиали	(361) 223-72-19, 223-75-09	239000, Нукус шаҳар, Қизилтепа кўрғони, 12-уй
2. Қўнғирот филиали	(361) 312-28-38	230600, Қўнғирот шаҳар, Бобонўёзов кўчаси
3. Чимбой филиали	312-13-69, (361) 444-01-59, 444-01-39	231500, Чимбой шаҳар, Ерназар Алақуз кўчаси, 36-уй
4. Беруний филиали	(361) 524-24-50, 524-20-66, (374) 222-23-64, 225-09-29	230200, Беруний шаҳар, Халқаро дўстлиги кўчаси, 10-уй
5. Андижон минтақавий филиали	(374) 222-23-64, 225-09-29	170100, Андижон шаҳар, Абдурауф Фитрат кўчаси, 239-уй
6. Қўрғонтепа филиали	(374) 723-10-32, 723-14-86	170700, Қўрғонтепа шаҳар, Мўқимий кўчаси, 100-уй
7. Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-58-86, 223-92-21	200117, Бухоро шаҳар, Мухаммад Иқбол кўчаси, 31-уй
8. Галя Осев филиали	(365) 542-49-60, 542-49-63	200400, Галя Осев шаҳар, Бухоро шох кўчаси, 54-уй
9. Когоп филиали	(365) 524-68-92, 524-44-08	200700, Бухоро вилояти, Когоп шаҳри, Дўстлик кўчаси, 4-уй
10. Жиззах минтақавий филиали	(372) 223-55-08, 223-55-04	130100, Жиззах шаҳар, Тўқимачилар кўчаси, 2-А-уй
11. Янгибод филиали	(372) 542-11-01, 542-12-03	131300, Жиззах вилояти, Янгибод тумани, Балинчақор кўрғони
12. Қашқадарь минтақавий филиали	(375) 223-12-99, 223-18-85	180100, Қарши шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 44-уй
13. Қўқала филиали	(375) 562-62-38, 562-62-40	181214, Чироқчи тумани, Қўқала кўрғони
14. Яккабоғ филиали	(375) 582-23-29	181400, Яккабоғ шаҳар, Феруз кўчаси, 2-уй
15. Наманган минтақавий филиали	(369) 223-04-35, 223-04-37	165115, Наманган шаҳар, Тинчлик кўчаси, 3-уй
16. Поп филиали	(369) 433-18-90, 433-21-86	160504, Поп шаҳар, Дўстлик кўчаси, 45-уй
17. Учқўрғон филиали	(369) 462-20-86, 462-14-46	160900, Учқўрғон шаҳар, Дўстлик кўчаси, 3-Берк кўча, 1-уй
18. Навоий минтақавий филиали	(436) 224-98-01, 224-92-41	210100, Навоий шаҳар, Галяба шох кўчаси, 149-А-уй
19. Самарқанд минтақавий филиали	(366) 221-66-68, 221-61-33	140161, Самарқанд шаҳар, Саттепо маскани, 148-А-уй
20. Каттақўрғон филиали	(366) 456-34-57, 456-34-99	140800, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри, Амр Темур кўчаси, 6-уй
21. Сурхондарь минтақавий филиали	(376) 227-58-79, 227-52-86	190112, Термиз шаҳар, Ат-Термизий кўчаси, 11-уй
22. Шўрчи филиали	(376) 455-15-59, 455-10-62	191500, Шўрчи шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 77-уй
23. Қўмқўрғон филиали	(376) 465-11-29, 465-14-68	190901, Қўмқўрғон тумани, Оксий маҳалласи, 5-уй
24. Жарқўрғон филиали	(376) 432-14-86, 432-21-52	190600, Сурхондарь вилояти, Жарқўрғон тумани, Шинфокор кўчаси, 1-уй
25. Сарносеб филиали	(376) 483-10-76, 483-15-99	191000, Сурхондарь вилояти, Сарносеб тумани, Мирзо Улубек кўчаси, 18-уй
26. Сирдарь минтақавий филиали	(367) 225-22-70, 225-22-91	120100, Гулистон шаҳар, Н. Махмудов кўчаси, 31-уй
27. Янгиер филиали	(367) 372-51-12, 372-50-10	121003, Сирдарь вилояти, Янгиер шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 17-уй
28. Фарғона минтақавий филиали	(373) 315-56-64, 222-40-25	150100, Фарғона шаҳар, Қурулчилар кўчаси, 13-уй
29. Қува филиали	(373) 315-10-10, 315-62-79	150800, Қува шаҳар, Қайқубод кўчаси, 242-А-уй
30. Қўқон филиали	(373) 552-30-21, 553-28-22	150700, Қўқон шаҳар, Амр Темур кўчаси, 39-уй
31. Марғилон филиали	(373) 233-50-91	151100, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Марғилоний кўчаси, 173-уй
32. Хоразм минтақавий филиали	(362) 227-48-07, 227-27-90	220106, Ургенч шаҳар, Хонка кўчаси, 11-уй
33. Хонка филиали	(362) 399-10-59, 399-24-60	220800, Хоразм вилояти, Хонка шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 30-уй
34. Хива филиали	(362) 375-31-81, 375-67-09	220900, Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Феруз кўчаси, 87-уй
35. Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371) 252-27-20, 252-36-02	100060, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 34-уй
36. Охангарон филиали	(370) 645-53-86, 645-62-65	110300, Охангарон шаҳар, Холмухаммадов кўчаси, 38/1-уй
37. Бекобод филиали	(370) 912-50-22, 912-31-28	110502, Бекобод шаҳри, Ўйлик кўчаси, 2-уй
38. Янгиёул филиали	(370) 602-11-51, 602-11-46	112000, Тошкент вилояти, Янгиёул шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй
39. Ғазалкент филиали	(370) 742-02-49, 742-88-43	110700, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Беруний кўчаси, 24-уй

«Қишлоқ қурилиш инвест» иқтисодлаштирилган шўъба инжиниринг компанияси: 100100, Тошкент шаҳар, Усмонов Носир кўчаси, 53-Б-уй. Тел: (371) 280-54-76; 280-60-91

Филиалнинг номи	Телефон рақами	Манзили
1. Қоракалпоғистон Республикаси филиали	(361) 222-64-66, 222-21-99	239000, Нукус шаҳар, Қизилтепа кўрғони, 12-уй
2. Андижон филиали	(374) 225-56-74, 225-56-74	700131, Андижон шаҳар, Пирмухаммадов кўчаси, 1-уй
3. Бухоро филиали	(365) 223-58-86, 223-92-21	200117, Бухоро шаҳар, Мухаммад Иқбол кўчаси, 31-уй
4. Жиззах филиали	(372) 223-55-04, 223-55-05	130100, Жиззах шаҳар, Тўқимачилар кўчаси, 2-А-уй
5. Қашқадарь филиали	(375) 224-01-40, 227-04-46	180100, Қарши тумани, Хонобод кўчаси, 19-уй
6. Наманган филиали	(369) 234-09-10, 234-10-80	165115, Наманган шаҳар, Тинчлик кўчаси, 3-уй
7. Навоий филиали	(436) 224-38-91, 224-36-98	210100, Навоий шаҳар, Галяба шох кўчаси, 149-А-уй
8. Самарқанд филиали	(366) 374-02-03, 234-83-63	140161, Самарқанд шаҳар, Саттепо маскани, 148-А-уй
9. Сурхондарь филиали	(376) 227-58-79, 227-52-86	190112, Термиз шаҳар, Ат-Термизий кўчаси, 11-уй
10. Сирдарь филиали	(367) 225-36-82, 225-18-49	120100, Гулистон шаҳар, Н. Махмудов кўчаси, 31-уй
11. Фарғона филиали	(373) 223-89-95, 222-40-25	150100, Фарғона шаҳар, Қурулчилар кўчаси, 13-уй
12. Хоразм филиали	(362) 227-48-07, 227-27-90	220106, Ургенч шаҳар, Хонка кўчаси, 11-уй
13. Тошкент вилояти филиали	(371) 280-60-92, 280-60-93	100100, Тошкент шаҳар, Усмонов Носир кўчаси, 53-Б-уй

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматиди!

Хизматлар лицензияланган

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ

Тошкент — жаҳон чемпионати мезбони

Эртага пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида тазквондо (WTF) нинг пумсе йўналиши бўйича V жаҳон чемпионати бошланади.

Ўзбекистон кейинги йилларда чинакам спорт мамлакатига айланиб бормоқда. Спортчиларимиз Осиё, жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ҳамда кўплаб нуфузли мусобақаларда голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишмоқда. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларида қад ростлаётган бир-биридан кўракам ва замонавий спорт иншоотлари нафақат иқтисодий ёшларни тарбиялаш учун, балки мамлакатимизнинг

жирик спорт мусобақалари — қитъа ва жаҳон чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилиши учун замин яратмоқда. Бу эса халқаро спорт ташкилотларининг Ўзбекистонга бўлган ишончи ва эътирофи ортиб бораётганини кўрсатади.

Мексиканинг Тихуана шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон тазквондо федерацияси XXI ассамблеяси йўналишида жаҳон чемпионатини уюштириш ҳуқуқи бир овоз-

дан Тошкент шаҳрига берилди. Шу йил сентябрь ойи охиригача кунлигида Бутунжаҳон тазквондо федерацияси президенти Чунг Вон Чой ва мутахассислар юртимизга ташриф буюриб, бу ерда нуфузли мусобақага қўрилаган тайёргарликлар билан яқиндан танишди. Ташриф давомида мартабали меҳмон ҳамроҳлигида жаҳоннинг етакчи мутахассислари Ўзбекистон тазквондо (WTF) федерацияси мураббийи ва спортчилари учун махсус ўқув-машғулотлар ташкил этишди. Унда бир юз элликдан зиёд маҳаллий мураббий ва спортчиларимиз ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда



мизда йигирма саккиз минг нафардан ортиқ йигит-қиз тазквондонинг WTF йўналиши бўйича шугулланади. Эътиборлиси, шу кунгача Ирина Кайдашова, Наталья Микрюкова Афина олимпиадасида, Акмал Эргашев, Евгения Каримова Пекин олимпиадасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Кўплаб ҳамюртларимиз эса Осиё ва жаҳон чемпионатлари, қатор нуфузли мусобақаларда кучлилар қатори-

дан жой олишди. Жаҳон чемпионатига Жанубий Корея, Туркия ҳамда Миср Араб Республикалари мезбонлик қилишганди. Тошкентда бўладиган баҳсларда эса дунёнинг 62 давлатидан етти юзга яқин тазквондочилар пумсе йўналиши бўйича голиблик учун даянга чиқиши кутилмоқда. Мазкур нуфузли мусобақага мамлакатимиз терма жамоаси Александр Ли бош мураббийлигида ҳозирлик қўришди.



Хорижда

Ҳароратнинг глобал кўтарилиши

табиатда сув айланишини тезлатади

АҚШнинг Калифорния университети олимлари сунъий йўлдош ёрдамида 13 йиллик кузатувлари натижаларини «Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида эълон қилди.

Илмий мақолада қайд этилишича, хароратнинг глобал тарзда кўтарилиши океану денгизларда сув буғланиши жараёнини тезлаштириб юборди ва бу ёгингарчиликларнинг кўпайишини юзага келтиради. Табиатда сув айланиши йилга 1,5 фоиздан ортиб боради. Бу кичкина кўрсаткичдек туюлиши мумкин, лекин умумий олиб қараганда, сув тошқинлари даражаси ортишига хизмат қилиши тайин. Тадқиқотчилардан бири Жей Фамиглеттиннинг айтишича, хароратнинг кўтарилиши ҳавоси қуруқ ўлкаларни янада қурийтиб юборди, намли ҳудудларда эса ёгингарчиликлар миқдори янада ортиб кетади.

Кузатувларда аниқландики, дарёлардан океану денгизларга қуйилаётган чуқур сув миқдори 1994 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда 18 фоизга ортган. Бу, яъни чуқур сув миқдорининг ортши кишилик жамияти учун яхши, бироқ бу тўфонлару сув тошқинларини келтириб чиқарувчи кучли жалалар эвазига юзага келиши ачинарли.

Урбанизация жараёнлари

тезлашиб бормоқда

2015 йили Хитой шаҳарларида яшовчи аҳоли сони қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳоли сони билан тенглашаркан. 2030 йилга бориб, шаҳарлар аҳолиси 300 миллион кишига кўпаяркан ва кўрсаткич 65 фоизга етаркан.



Интерфакс: АА хабарига қараганда, бугунги кунда Хитойда 654 та шаҳар мавжуд бўлиб, уларнинг аҳолиси 621 миллион кишини ташкил этади. Бу мамлакат аҳолисининг 46,59 фоизига тенгдир.

Маълумки, Хитой аҳоли сони бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Бу ўлкада 1935 йили биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилган ва ўшанда мамлакатда 601 миллион 938 минг киши яшаётганини қайд этилган бўлса, 1957 йилги рўйхатга олиш жараёнида 656 миллион киши, яъни дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми хитойлик эканлиги аниқланган.

1986 йилга келиб мамлакат аҳолиси 1 миллиард кишидан ошиб кетди. Айни пайтда эса 1,334 миллиард киши истиқомат қилмоқда. Дунё аҳолиси сони эса 2008 йилги маълумотларга кўра, 6,705 миллиард кишини ташкил этади.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси

оммавий оферта савдолари ўтказилишини эълон қилади

Сотувчи: Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Сотувчининг манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 100060

Алоқа телефони 233-35-08, телефакс: 233-35-08, 233-23-52, электрон почта ugki@rambler.ru

Объект номи: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган 4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги умумий майдони 286 кв. метрга тенг бўлган бир қисми.

Балансада сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Музокаралар 2010 йил 8 ноябрь соат 16-00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади.

Объектнинг бошланғич нархи: 229 593 100 сўм.

Объектни сотиб олиш шартлари куйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиши;
 - ушбу «Объект» учун энг камида 50 000 000 (эллик миллион) сўм миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиши;
 - янги иш ўринларини ташкил этиши;
 - харид қўйматини ва қўшимча инвестиция киритишини қисқа муддатда амалга ошириши.
- Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.
- Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш 2010 йил 8 ноябрь кунини соат 13-00 да тўхтатилади.

«Устандарт» агентлиги ва «Республика синов ва сертифицилаштириш маркази» давлат корхонаси жамоаси «Жиззах синов ва сертифицилаштириш маркази» давлат корхонаси директори Мухтор Бекмирзаевга падаари буюрқувори

Лапас ҳожи отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изорх этади.

Ёшларимиз чорак финалда!



Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатига муддатидан илгари «плей-офф» йўлланмасини нақд қилди.

Хитойнинг Зибо ва Линси шаҳарларида ёшлар ўртасида XXXVI Осиё чемпионати баҳслари қизғин давом этмоқда. Мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки икки учрашувда муваффақият қозониб, муддатидан аввал кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди.

Гуруҳнинг биринчи турида Марат Кабаев бош мураббийлик қилаётган мамлакатимиз ёшлари ҚХДР вакилларини 1:0 ҳисобида доғда қолдирганди. Иккинчи ўйинда ҳамюртларимиз Бахрайлик тенгдошлари билан узаро куч синашди. Унда «Нефтчи» жамоаси аъзоси Павел Смоляченко томонидан киритилган гол вакилларимизга муҳим уч очкони тўхфа қилди — 1:0. Бу эса мусобақада Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига биринчилардан бўлиб чорак финал йўлланмасини тақдим этди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда ҚХДР — Ироқ ёшлар терма жамоалари баҳс юритишди — 3:0.

Футболчиларимиз гуруҳдаги охириги ўйинни бугун Ироқ ёшлар терма жамоасига қарши ўтказди. Гуруҳдаги иккинчи йўлланма эгаси Бахрай — ҚХДР футболчилари ўртасидаги ўйинда аниқланади.

Эркин ХОЛБЕБО

«Элни азиз қилар элда азизлар»



Тадбир

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида жамиятимиз равнақи йўлида турли соҳаларда фидойилик кўрсатган, айрим сабабларга кўра ёлғизланиб қолган кишиларга меҳр-қўриқат кўрсатиб келинмоқда.

Кунини кеча пансионатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда турли ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда «Элни азиз қилар элда азизлар» деб номланган тадбир уюштириди.

Унда сўзга чиққан ташкилот ва вазирлик вакиллари ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда жонқуярлик қилганлар доимо халқимиз ардоғида бўлишини таъкидлашди ва фахрийларга ҳалол меҳнатлари учун мин-

натдорчилик билдиришди.

— Мен ҳозирги Қарши давлат педагогика университети тамамлаб, 35 йил давомида ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, турли лавозимларда ишлашди, — дейди самарқандлик Раҳматулла ака Холиқов. — Бугун ўқувчиларимизнинг жамиятимизга керакли касб эгалари бўлганидан фахрланаман. Биз каби ёлғизланиб қолган фахрийларга мана шундай файзли масканларда яшашига шарт-шароит яратиб берганлиги учун ҳукуматимиздан миннатдоримиз.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Тоштемир ГАДОЙМУРОДОВ

Эркак — устун, аёл — шамчироқ

иккиси бир булса, оила обод, — дейди мирзачўллик Хабибахон ва Қоракул Қурбоновлар

Оила — муқаддас

Қоракул асли Самарқанд вилоятидан, Хабибахон эса Жиззахдан. Улар Мирзачўл ерларини ўзлаштирувчилар сафига келиб қўшилганида навқирон ёшда эдилар. Тақдирлари қўшилган экан, юлдузлари юлдузларига тўғри келиб, оила қуришди. Яхши эрхотинда қалб, юрак иккита бўлса ҳам истак, ният битта бўлади, деганларидай Қоракул ҳам, Хабибахон ҳам дастлабки кунларданок оилани муқаддас деб билди, унга гард-ғубор юқтирмакликка, кўз қорачигидай асраб-авайлашга ҳаракат қилдилар.

Бир-бирини қувиб йиллар ўтди. Ёш оила бир қадар ўзини тиклаб олди. Бу орада бирин-кетин фарзандлар дунёга келди. Шунгача ўз-ўзларини ўйлаб, қадрлаб, авайлаб яшаган эр-хотин энди кўпроқ болалар, уларнинг тарбияси ҳақида қайғурадиган бўлишди. Оиладаги бош вазифа, асосий мақсад бевосита шунга қаратилди.

— Тарбия масаласида майда нарса йўқ экан, — дейди оила бекаси Хабибахон. — Очиги, олдин бу нарсаларга кўп ҳам аҳамият бермаган эканмиз. Ўзимиз ота, ўзимиз она бўлганимиздан сўнг бола тарбиясининг ниҳоятда нозик, ҳатто,

игна билан қудуқ қазишдек машаққатли иш эканлигини англагандай бўлди.

Бугун бу оилада авлод давомчилари — икки ўғил, бир қиз ўсиб-ўлғаймоқда, вояга етмоқда.

— Назаримда, болалари бўла туриб, зерикиб яшаган аёлни аёл, она дейиш қийин, — дейди Хабибахон. — Яхши оналарнинг фарзандлари ҳеч қачон ёмон бўлмайдилар. Оналарнинг қалби мўъжизалар яратишга қодир, меҳр-муҳаббати битмас-туганмас. Боланинг ўз онасини руҳий жиҳатдан ҳам ўзига қадрдон деб билиши айтилган мазкур фермер хўжалиги жамоаси ҳар йили

раяпман? Тарбия жараёнида бу омиллар жуда муҳим, ҳатто, ҳаёт-мамат масаласига тенг ҳисобланади. Чунки, боланинг қисмати, тақдирини, бахтли ёки бахтсиз келажаги шу нарсаларга боғлиқ. Шу ўринда ота-оналарнинг тарбияда ортиқча қаттиққўллик ва ҳаддан зиёд шафқатликдан ҳам бирдек қочинилари зарурлигига эътибор қаратишларини истардим.

Мирзачўл туманининг бир чеккасидаги «Пахтазор» қишлоғидаги ўнлаб хонадонлардан бири бўлган Қурбоновларнинг тўнғич фарзанди Азизбек айни чоғда Ўзбекистон Миллий университети талабаси. Келгусанда у ҳуқуқшунос бўлади. Укаси Рамзбек Тошкент химия-технология институтига тахсил олаётган. Оиланинг кенжаси Соҳибаниннг орзуси шифокор бўлиш. Шу ниятда у тиббий коллежида аъло баҳоларга ўқияпти.

— Қоракул уюшмаимиздаги энг яхши — «Қурбон ота» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади, — дейди «Пахтазор» фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси Қозоққўли Эргашев. — Энг яхши деганимизнинг сабаби бор. Чунки, 1999 йилда ташкил этилган мазкур фермер хўжалиги жамоаси ҳар йили



белгиланган шартномавий режаларини ортичи билан бажариб келади. Даромад ва фойда шунга яраша. Ҳисобида ҳар доим 20-30 миллион сўм маблағи бўлади. Аъзолари ҳам чинакам меҳнат, деҳқончиликни яхши биладиган, фидойи кишилар. Буларнинг ҳаммасида хўжалик раҳбари, ҲАХДП аъзоси, туман Кенгаши депутати Қоракул Қурбоновнинг хизматлари катта, албатта. Оиласини айтмайсизми? Ҳаммининг ҳаваси келади. Хонадон соҳибаси Хабибахон — муаллима, рўзгор тутишини кўрсангиз, қойил қоласиз.

...Қишлоқ четигада оддийгина ховли. Ен-атрофдаги уйлардан даярли фарқ қилмай диган хонадон. Дарвозадан

киришингиз биланок ораста-лик, файзу тароватдан кўнглингиз ярайди.

— Биласизми, эркак — устун, аёл — шамчироқ, иккиси бир бўлса, оила обод, — деб отам раҳматли кўп айтганди. Қараган, ўшанда ёш эканмизми, бу гапларнинг маънисига кўп ҳам эътибор бермаган эканмиз. Мана, Хабибахон билан ўттиз йилга яқин бирга яшаб, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини, паст-баландини озми-кўп баҳам кўрганнимиздан сўнг отаболларимиз томонидан топиб айтилган бу сўзларнинг мазмунини энди-энди англагандай бўлаяпмиз, — дейди Қоракул ака.

Доногул ЖҲРАЕВА, журналист.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihdiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda —
225-32-70
Buxoroda —
223-06-02
Gulistonda —
225-46-45
Jizzaxda —
227-48-35
Navoiyda —
223-83-73
Namanganda —
226-43-81
Nukusda —
222-77-21
Samarqandda —
235-02-55
Urganchda —
517-30-58
Farg'onada —
224-18-78
Denovda —
8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbaxchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta sahifasi, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 949
7710 nusxada bosiladi. I — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 20.30 Topshirilgan vaqti — 00.00 1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda